*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2013 йил 3 октябрь, пайшанба, 40 (516)-сон

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган.
e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com.
web sayt: www.21asr.uz

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



Сайлов очиқлигини таъминлаш йўлида

3 КОНЦЕПЦИЯ



Партия аъзоси ташаббускор бўлиши лозим

5 ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА



Сармоялар — иқтисодиётнинг устувор соҳаларига

6 ИҚТИСОДИЁТ

## РАССОМНИНГ ҚАЛБ ЖИЛОЛАРИ



**Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод мемориал-боғ музейида мусаввир Нодира Ориписованинг «Қалбим жилолари» мавзусидаги шахсий кўргазмаси ташкил этилди.**

**Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда истеъдод соҳибларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳнатини муносиб рағбатлантириш, янги ижодий марралар сари илҳомлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.**

**Бу жиҳатлар рангтасвирчи рассом Н.Орипова ижодида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Самарқанд вилоятида туғилиб, вояга етган ижодкорнинг мусаввир сифатида шаклланишида Раҳим Аҳмедов, Неъмат Қўзибоев, Маннон Саидов сингари устоз-ижодкорларнинг хизмати айниқса катта.**

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг санъат факультетида ўқитувчи сифатида фаолият кўрсатаётган Н.Орипованинг шогирдлари бугунги кунда болалар мусиқа ва санъат мактаблари, бадиий ижодиёт марказлари, «Баркамол авлод» болалар марказлари, умумтаълим мактабларида тасвирий санъатдан ёшларга сабоқ бермоқда.**

**Айни пайтда педагог-мусаввирнинг асарлари АҚШ, Германия, Франция, Бельгия сингари мамлакатлардаги музейлар ва галереялар, шахсий тўпламларда сақланмоқда.**

**Мазкур кўргазмада «Дўстлик» ордени соҳибасининг жонажон Ватанимизнинг бетакрор табиати манзаралари, бебаҳо қадриятларимиз, обод шаҳар ва қишлоқларимиз, қадимий меъморий обидалар акс эттирилган элликдан ортиқ асари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.**

(ЎзА).

# Юксак эътибор ва ишонч масъулияти

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИДА БАЁН ЭТИЛГАН ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР, БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН ВАЗИФА ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР ЮРТДОШЛАРИМИЗ ТОМОНИДАН ҚИЗҒИН МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА**

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Ўзбекистоннинг энг йирик ҳудудларидан бири — Қашқадарёда истиқлол йиллари том маънода улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Аср мўъжизаси сифатида тилга олинаётган йирик корхоналар: «Шўртангазкимё» комплекси, Шўртан синтетик ёнилғи ишлаб чиқариш мажмуаси, Муборак газкимё комплекси сингари лойиҳалар Ўзбекистонни саноати ривожланган мамлакатлардан бирига айлантирди, десак муболаға бўлмайди. Аграр секторда қўлга киритилган беқиёс натижалар ҳам ғурури баланд қашқадарёликларнинг нималарга қодир эканини кўрсатмоқда. Вилоят ғаллакорлари қишлоқ мулкдорлари учун яратилган қулай шароит, солиқ имтиёзлари туфайли бу йил 1 млн. тоннадан зиёд дон тайёрладилар.

— Қишлоққа саноатни олиб кираётган, минг-минглаб иш ўрни яратаётган мулкдорлар ўз зиммаларидаги ижтимоий масъулиятни теран англаётганлари учун ҳам ана шундай натижаларга эришмоқдалар, — дейди вилоят Фермерлар кенгаши раиси, O`zLiDeP аъзоси Бахтиёр Сафаров. — Буни вилоятда кўптармоқли фермер хўжаликлари сони ортиб бораётганида, улар ўзлари етиштирган маҳсулотларни қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратаётганларида ҳам кўриш мумкин.

2 ►►

# Янги жамғарма ўз фаолиятини бошлади

ЮРТБОШИМИЗНИНГ 2013 ЙИЛ 8 АВГУСТДАГИ **«КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ** ҚАРОРИ МУТАХАССИСЛАР ТОМОНИДАН ХУСУСИЙ СЕКТОРДА ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН НИҲОЯТДА МУҲИМ ҲУЖЖАТ, ДЕЯ БАҲОЛАНМОҚДА

Айни пайтда мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаол иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Шу боисдан ҳам жойларда тадбиркорлар учун қулай шарт-шароит яратиш, уларга қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш, ишбилармонлар ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари қарорига мувофиқ ТИФ «Миллий банк» ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасини таҳлилчилар хусусий сектор учун «яна бир мустаҳкам кўприк»ка қиёсламоқдалар. Жамғарма таъсисчилари қаторига ТИФ «Миллий банк», Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, шунингдек, тижорат банклари ва бошқа молиявий институтлар киритилгани эса тадбиркорлик тузилмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Шу ўринда ана шу муҳим қарор эълон қилинганидан кейин жамғарманинг марказий ижро органи, шунингдек, унинг ҳудудий филиаллари ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоят бўлимлари қисқа вақт ичида замонавий компьютер, зарур алоқа ва техника воситалари билан таъминланганини қайд этиш жоиз. Айни пайтда эса ташқи савдо операцияларини муваффақиятли амалга ошириш учун жамғарма ва унинг ҳудудий бўлимларига малакали мутахассислар жалб этилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, таъсис ҳужжатларига асосан жамғарма нодавлат муассаса шаклидаги юридик шахс ҳисобланиб, унинг асосий мақсади кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, мулк эгаларига юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш ва уни экспортга чиқаришда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш, фаолияти экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашга ихтисослашган субъектларни ташқи бозор конъюнктураси хавф-хатарларидан ишончли ҳимоя қилишдан иборат.

2 ►►



# Дастурий маҳсулотлар бозори янада ривожланади

**«МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ ВОСИТАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚУВЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ** ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ ХУСУСИЙ СЕКТОР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТДИ

Кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида замонавий ахборот технологиялари ҳамда дастурий маҳсулотлар миллий индустриясини комплекс ривожлантириш бўйича ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, мамлакатимизда ушбу соҳани жадал ривожлантириш учун мукаммал қонунчилик базаси яратилган. Кейинги ўн йилнинг ўзида соҳани ривожлантириш, дастурий маҳсулотлар бозорини кучайтириш, тармоқда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларига солиқ ва божхона имтиёзлари беришни назарда тутувчи 10 дан ортиқ қонун, 3 та Президент фармони ва 40 дан ортиқ қарор, дастурий маҳсулотларни шакллантириш ва сифатини яхшилаш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш усуллари ва воситаларига қўйилаётган талабларни ўзида акс эттирган 20 дан зиёд давлатлараро стандартлар қабул қилинди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги фармони ҳамда «Замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни янада жорий этиш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори соҳани бугунги кун талаблари даражасида жадаллаштириш имконини берганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Айни пайтда XXI аср бу — глобаллашув ва чегаралар билмас, ахборот-коммуникация, инновацион технология ва Интернет ҳамда дунё бозорида рақобат янада кучайиб бораётган аср экани бежиз таъкидланмаяпти, албатта.

Ана шундай бир шароитда, яъни билимлар иқтисодий ресурсларга айланаётган, ахборот технологиялари дунё хўжалигини тубдан ўзгартираётган бир даврда ҳар бир мамлакат ўз иқтисодиётини ривожлантириш моделини ишлаб чиқишда ахборотлаштириш жараёнларини фаоллаштиришга, ахборот-коммуникация технологияларини жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларига жадал жорий этишга асосланган жаҳон қурилиши тизимида ўз ўрнини эгаллашга интилади.

3 ►►

# «Учинчи сектор»нинг бирламчи вазифаси

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛТИ МИНГДАН ЗИЁД НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТ БЎЛИБ, УЛАР ЖАМИЯТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАРНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ, ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ, ФУҚАРОЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШЯПТИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди мутасаддиларининг фикрича, 2008-2013 йилларда «учинчи сектор» вакилларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун бюджетдан давлат субсидиялари, ижтимоий буюртмалар ва грантлар шаклида 30 млрд. сўм миқдорида молиявий ёрдам кўрсатилган.

Гарчи демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизациялаш жараёнида ННТлар иштироки бирмунча фаоллашган бўлса-да, ислоҳотларнинг бугунги босқичи бу жараённи янада такомиллаштиришни талаб этмоқда. Шу боис 450 яқин ННТни ўз атрофига бирлаштирган миллий ассоциация ўз аъзоларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг турли шакл ҳамда механизмларидан фойдаланмоқда. Бунда ассоциация 12 та ҳудудий-ресурс маркази орқали улар ишини жонлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

3 ►►

## БУГУНГИ СОНДА:

# КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

**АММО АЙРИМ ТУМАНЛАРДА ЎТАЁТГАН ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ, СЕМИНАР-ТРЕНИНГЛАР ТАҲЛИЛИ БУ БОРАДА БПТ ЕТАКЧИЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛАР ФАОЛЛИГИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ЭМАСЛИГИНИ ҲАМ КЎРСАТАЯПТИ. БУНДАН ЭСА ҲАР БИРИМИЗ ТЕГИШЛИ ХУЛОСАЛАР ЧИҚАРИШИМИЗ ЛОЗИМ.**

4 ►

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | |
|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ▼ | 2003.56 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ▲ | 3479.32 |
| 1 Дания кронаси | ▲ | 389.86 |
| 1 БАА дирҳами | ▲ | 586.05 |
| 1 АҚШ доллари | ▲ | 2152.51 |
| 1 Миср фунти | ▲ | 312.33 |
| 1 Исландия кронаси | ▲ | 17.79 |
| 1 Канада доллари | ▲ | 2089.82 |
| 1 Хитой юани | ▲ | 351.82 |
| 1 Малайзия ринггити | ▼ | 660.89 |
| 1 Польша злотийси | ▲ | 688.98 |
| 1 СДР | ▲ | 3299 |
| 1 Туркия лираси | ▼ | 1056.24 |
| 1 Швейцария франки | ▲ | 2378.99 |
| 1 ЕВРО | ▲ | 2910.36 |
| 10 Жанубий Корея вони | ▲ | 20.03 |
| 10 Япония иенаси | ▲ | 219.62 |
| 1 Россия рубли | ▼ | 66.55 |
| 1 Украина гривнаси | ▲ | 269.3 |

# Юксак эътибор ва ишонч масъулияти

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Ўз мухбиримиз**

Айни пайтда вилоятда 7139 та фермер хўжалиги бўлиб, уларда 158 мингга яқин киши меҳнат қилаётганини эътиборга олсак, фермерлик ҳаракатининг ҳақиқатан ҳам қишлоқда етакчи ижтимоий-сиёсий кучга айланганига ишонч ҳосил қиламиз.

Маълумки, бир пайтлар вилоятда «пахта иши» билан айбсиз айбдорларга айланган минг-минглаб фуқаролар, эртанги кунга ишончини йўқотган ёшлар учун фақат мустақиллик йилларидагина ўз салоҳияти, иқтидорини намойиш этиш имконияти яратилди. Ўша даврда асосан четдан келтирилган маҳсулотлар эвазига кун кечирган вилоят бугунга келиб дунёнинг турли мамлакатларига 70 дан ортиқ турдаги маҳсулотни экспорт қилаётир. Мутахассис ва таҳлилчилар вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида саноатнинг улуши 39 фоизни ташкил этаётганини бежиз таъкидламаяптилар. Айни пайтда воҳада тадбиркорлик ҳам жадал ривожланяпти. 47 мингдан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари деярли барча соҳаларда фаолият олиб бормоқдалар. Албатта, бундай натижаларга осонликча эришилаётгани йўқ.

— Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз томонидан қашқадарёлик ташаббускор тадбиркор ва фермерларнинг дилидаги гаплари айтилди, — дейди O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Анвар Нусуров. — Айниқса, Юртбошимизнинг «Қашқадарё халқининг фидокорона меҳнати билан бу замин, унинг барча қишлоқ ва шаҳарлари обод ва фаровон бўлишига ишонаман», деган гаплари айнан тадбиркорлар учун айтилган деб қабул қилинмоқда. Биз, O`zLiDeP аъзолари ҳам сессиядан кейин ўзимиз учун тегишли хулосалар чиқардик. Фаолиятимизни кучайтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир ишларимизни қайта кўриб чиқишимиз лозимлигини англаб етдик.

> **ЎША ДАВРДА АСОСАН ЧЕТДАН КЕЛТИРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР ЭВАЗИГА КУН КЕЧИРГАН ВИЛОЯТ БУГУНГА КЕЛИБ ДУНЁНИНГ ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРИГА 70 ДАН ОРТИҚ ТУРДАГИ МАҲСУЛОТНИ ЭКСПОРТ ҚИЛАЁТИР**

Ҳа, чиндан ҳам бундай юксак эътибор, юксак ишонч юксак натижаларга замин яратиши шубҳасиз.

— Сессияда тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш масаласига бу қадар жиддий эътибор қаратилгани бежиз эмас, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Шоира Ҳайдарова. — Вилоятнинг ҳар бир туман, ҳатто энг чекка қишлоқларида ҳам тадбиркорликни йўлга қўйиш учун талай имкониятлар бор. Энг асосийси, бу меҳнаткаш юртдошларимиздир. Агар яратиб берилган имтиёзлар асосида уларга амалий ёрдам кўрсатиш кучайтирилса, ёшларни, опа-сингилларимизни фойдали меҳнатга жалб этиш жараёни янада фаоллашади.

Маълумки, O`zLiDePнинг Сайловолди дастурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, кўп укладли бозор иқтисодиётини ривожлантириш орқали жамиятда барқарорлик ва фаровонликни мустаҳкамлашда фаол иштирок этиш белгилаб олинган. Ана шундай талаблардан келиб чиққан ҳолда жойларда маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш негизида юқори қўшимча қийматли, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришнинг сезиларли ўсиши бўйича қўйилган вазифаларни бажариш ишбилармонлик муҳити билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам фракциямиз аъзолари билан бундан кейин ҳам ўз сайлов округларида амалдаги қонунлар, ҳудудий дастурлар ижросини депутатлик назоратига олишни белгилаб олдик.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Абдуҳолиқ Жабборов эса бугунги муваффақиятларимизнинг асосий омили ер ўз эгасига берилгани, фермерларда мулкдорлик ҳисси шаклланганида, деган фикрни билдирди.

— Айнан ана шу омил фермерлик ҳаракатининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчиси ҳамда аграр соҳа ва унга боғлиқ бошқа тармоқлар ҳамда ишлаб чиқариш тизимларининг янада ривожланиши, шунингдек, аҳоли турмуш даражаси ва сифати юксалиши учун масъулиятни ўз зиммасига оладиган қудратли ижтимоий-сиёсий кучга айланишига имкон яратди, — дейди А.Жабборов. — Шунинг учун O`zLiDeP фракцияси аъзолари ўз фаолиятида фермерлик ҳаракатининг янада тараққий этишига жиддий эътибор қаратмоқда. Вакиллик ҳокимиятининг барча бўғинларидаги фаоллар ҳам фермерлик фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва ривожлантиришга кўмак бермоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, Юртбошимиз нутқида баён этилган фикр-мулоҳазалар, белгилаб берилган вазифалар «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон учун» шиорига қатъий амал қилиш бугунги янгиланиш ва ўзгаришлар муваффақияти учун мустаҳкам замин эканини яна бир бор англатди.

Тадбиркор ва фермерлар, ишчи-хизматчилар, партия фаолларининг фикрича, қашқадарёликлар ҳаётида муҳим воқеага айланган ушбу тадбир, шубҳасиз, вилоятнинг янада гуллаб-яшнаши, иқтисодиёт барқарорлиги ва охир-оқибат аҳоли фаровонлигига хизмат қилади.

ТАДБИРКОРЛАР ЯНГИ ТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИГА ИШОНЧ БИЛДИРИШЯПТИ


Ўзбекистон маҳсулотлари...

# Янги жамғарма ўз фаолиятини бошлади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Ўз мухбиримиз**

Яқинда ана шу жамғарманинг юқори бошқарув органи — жамғарма кенгашининг мажлиси бўлиб, унда бир қатор муҳим масалалар муҳокама этилди. Таъсисчилар томонидан жамғарма фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Шунга асосан мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг ташқи савдо амалиёти билан боғлиқ қонунчилик меъёрларини чуқур ўрганиш, жойларда тадбиркорлар билан бевосита учрашувлар ташкил этиш, улар олдида турган ҳаётий муаммоларни ҳал этиш учун зарур чора-тадбирларни белгилаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортименти ва турларини, шунингдек, уларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлик даражасини аниқлаш ҳамда экспорт салоҳиятига эга бўлган корхоналар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш ишлари бошлаб юборилди.

— Жамғарманинг асосий мақсад ва вазифаси тадбиркорларимизнинг экспорт салоҳиятини янада кенгайтиришга, талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, жорий ва истиқболдаги конъюнктурани ўрганиш юзасидан ташқи бозорларда тадқиқотлар ўтказиш орқали ўз маҳсулотларимизни экспорт қилиш учун мавжуд имкониятларни аниқлашдан иборат, — дейди жамғарма ижрочи директори вазифасини бажарувчи Жаҳонгир Мустафоев. — Дастлабки қадамларни жойлардаги тадбиркорлик субъектлари билан бевосита мулоқотлар ўтказишдан бошлаяпмиз. Тасдиқланган режага мувофиқ биринчи учрашув 10 октябрда пойтахт вилоятида ташкил этилади. 30 октябрда эса наманганлик тадбиркорлар билан сўнгги учрашув белгиланган. Ўйлайманки, ана шу учрашувлар келгусидаги фаолиятимизни белгилаб олишда жуда катта аҳамиятга эга.

Маълумки, савдо-сотиқ масалалари бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, экспортбоп маҳсулотларнинг потенциал имкониятларини аниқлаш, уларни ташқи бозорларга чиқариш, экспорт операцияларини амалга ошириш, экспорт қилувчи объектларни эҳтимолий хавф-хатарлардан ишончли ҳимоялаш бозор иқтисодиётининг асосий талаби ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жамғарма мутахассислари бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Шунингдек, хорижий мамлакатлар қонунчилигига мувофиқ талаб этиладиган тегишли лицензиялар, рухсатнома ва сертификатлар олиш ҳамда бошқа масалаларда тадбиркорларга юридик, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатиш ҳам жамғарманинг асосий вазифаларидандир.

Таҳлилчилар айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан жамғармага ихтиёрий равишда бадал ўтказишга қизиқиш ортиб бораётганини таъкидлаб, буни ушбу тузилмага тадбиркорлар томонидан жуда катта ишонч билдирилаётгани билан боғламоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда хусусий сектор вакилларининг жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллашларига аниқ ёрдам кўрсата оладиган жамғарма ўз фаолиятини бошлади. Зиммасига жуда катта масъулият юклатилган янги тузилманинг дадил одимлари эса шубҳасиз, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин эгаллашига ишонамиз.

## Қонун Ва ижро

# Ёшлар — чекишга қарши

«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ТЕГИШЛИ ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ОКТЯБРЬ ОЙИДАН ДЕКАБРЬ ОЙИГАЧА МАМЛАКАТИМИЗДА АНА ШУ ШИОР ОСТИДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ЛОЙИҲАНИ АМАЛГА ОШИРАДИ. «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА БЎЛИБ ЎТГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИДА ЛОЙИҲАНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ, УНИНГ ДОИРАСИДА РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ТАДБИРЛАР ҲАҚИДА СЎЗ ЮРИТИЛДИ

**С.ТОЖИЕВ,**
ЎзА мухбири

Чекиш кенг тарқалган ёмон одатлардан бири бўлиб, инсон саломатлиги ва жамиятга катта зиён етказади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда 1,3 миллиарддан ортиқ киши кашандаликка ружу қўйган ва ҳар йили бу иллат келтириб чиқарадиган касалликлар туфайли 5 миллиондан зиёд одам ҳаётдан кўз юммоқда. Айниқса, ёш йигит-қизларнинг ўйламасдан, катталарга тақлид қилиб ёки таъбир жоиз бўлса, олифталик учун тамаки ва тамаки маҳсулотлари қурбонига айланаётгани ҳамда ушбу ҳалокатли одатга бир умр мубтало бўлаётгани ачинарлидир. Бу халқаро миқёсда чекишга қарши кураш масаласи долзарб аҳамият касб этаётганидан далолат беради.

Кўп йиллардан буён чекувчилар сони бўйича жаҳонда энг паст кўрсаткичлардан бири Ўзбекистонда қайд этилаётгани эътиборга лойиқдир. Бунга Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва чекишга қарши профилактика ишларини амалга оширишга қаратилган кенг кўламли чоралар натижасида эришилаётир. Хусусан, мамлакатимиз Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Тамакига қарши курашиш тўғрисидаги ҳадли конвенциясига қўшилган, «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинган.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган «Ёшлар – чекишга қарши!» лойиҳаси ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, кенг аҳоли қатламини «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида хабардор қилишга қаратилган.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳаммаджонованинг таъкидлашича, ҳеч кимдан кам бўлмаган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсадидир. Аҳолининг 60 фоиздан ортиғини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этиши тамаки чекишнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишга доир вазифаларнинг долзарблигини янада оширади.

«Ёшлар – чекишга қарши!» лойиҳаси икки йўналишда амалга оширилади. Жойларда мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, талабалар, маҳаллалардаги йигит-қизлар иштирокида ахборот тадбирлари ўтказилади. Уларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолларидан иборат мураббийлар ўз тенгдошларига замонавий интерфаол услублардан фойдаланган ҳолда чекишнинг ҳалокатли оқибатлари ҳақида сўзлаб беради. Бу борада мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи кўнгиллилар тармоғини шакллантириш ва лойиҳа кўламини кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Иккинчи йўналишда бевосита тамаки маҳсулотлари сотиладиган жойларда тарғибот ишлари амалга оширилади. Дўкон сотувчилари ва эгалари алкоголли маҳсулотлар тарқатиш ва истеъмол қилишни чеклаш ҳақидаги қонуннинг моҳияти ва мақсади тўғрисида зарур маълумотларга эга бўлади. Шу билан бирга, бундай маҳсулотлар сотиладиган жойларда чекишнинг зарари ҳақидаги ахборот ва мазкур қонундан кўчирмалар, шунингдек, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг ишонч телефонлари рақами ёзилган плакатлар осилади.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

## Хабар

### ПОЙТАХТИМИЗДА «LOTTE CITY HOTEL TASHKENT PALACE» МЕҲМОНХОНАСИ ОЧИЛДИ

**Жорий йилнинг 1 октябрь куни пойтахтимизда қайта таъмирдан чиқарилган «Lotte City Hotel Tashkent Palace» (собиқ «Tashkent Palace Hotel») меҳмонхонасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. «Lotte City Hotel Tashkent Palace» — Ўзбекистоннинг меъморий жиҳатдан аҳамиятга молик иншооти ҳисобланиб, у илгари «Тошкент» меҳмонхонаси сифатида шаҳарликлар ва унинг сайёҳларига азиз маскан бўлган.**

**Бугунга келиб «Lotte City Hotel Tashkent Palace» отели Кореянинг «Lotte» меҳмонхоналар компанияси тармоғи томонидан халқаро тоифадаги талабларга мувофиқ қайта реконструкция қилиниб, замонавий жиҳозланди.**

**Янгидан фойдаланишга топширилган мазкур меҳмонхонада «Lotte» компанияси замонавий талаблари даражасида муҳандислик-коммуникация ишланмалари ва жой буюртма қилиш халқаро тизимидаги энг сўнгги янгиликлар жорий этилган. Бу ерда 232 кишига мўлжалланган қулай ва шинам хоналар меҳмонларга мунтазир қилиб қўйилган.**

**Меҳмонхонада иккита ресторан, бар, караоке ўйин бари, бизнес-ланч ва барча даражадаги халқаро тадбирларни ўтказишга мўлжалланган анжуманлар зали мавжуд.**

**Ёз фаслида меҳмонхонанинг энг юқори қаватида очиқ ҳавода «Шарқ Юлдузи» ресторани фаолият кўрсатади.**

**Таъкидлаш лозимки, кейинги босқичда «Lotte City Hotel Tashkent Palace»да ёпиқ чўмилиш ҳавзаси, сауна ва гўзаллик салонларидан иборат SPA-маркази очиш режалаштирилган.**

Ғанишер ТОҲИРОВ, «Туркистон-пресс».

## Миллий матбуот марказида

# Фуқаролик жамиятининг асосий устуни

«МУСТАҚИЛ БОСМА ОАВ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР, ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР, ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР» МАВЗУИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси, ЎзДЖТУнинг Халқаро журналистика ва ЎзМУнинг Журналистика факультетлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ислоҳотлар ошкоралиги ва очиқлигини таъминлаш жараёнида ОАВнинг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ролини кучайтириш, журналистлар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари ҳамда журналист кадрлар тайёрловчи ўқув юртларда медиатаълим тизимини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Анжуманда Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди бош мутахассиси Мирвоҳид Миркомилов журналистлар учун ташкил этилаётган лойиҳалар, уларда иштирок этаётган журналистлар учун яратилган шароит ва имтиёзлар ҳақида маълумот берар экан, уларда пойтахтдаги таҳририятлар ходимларининг иштироки суст эканига эътибор қаратди.

Журналистикада ихтисослашув масаласининг долзарблиги ва бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр юритган ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети декани Акбар Нурматов медиатаълим тизимининг кундан-кунга ривожланиб бораётгани, журналистларнинг ҳар қандай соҳада ихтисослаша олиши кераклиги ҳамда бу борадаги ютуқ ва камчиликлар, мавжуд муаммоларга тўхталди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги вакили Муҳиддин Омонов «Республика ОАВнинг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги роли», ЎзМУ журналистика факультети декани Маҳлиё Мирсоатова «Ёш журналист кадрларни ахборот-психологик хуружларга қарши курашишга тайёрлаш» мавзуида маъруза қилдилар. Матбуот вакиллари, ЎзМУнинг журналистика ва ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультетлари талабалари мунозараларда иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

# Дастурий маҳсулотлар бозори янада ривожланади

**«МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ ВОСИТАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚУВЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ ХУСУСИЙ СЕКТОР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТДИ**

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Ўз мухбиримиз**

Аксарият хорижлик экспертлар ҳар қандай мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси билан ахборот-коммуникация технологиялари, илм-фанга доир соҳалар ва компаниялар тармоғини ривожлантириш даражаси ўртасида ўзаро уйғунлик мавжуд эканини таъкидламоқдалар. Уларнинг фикрича, бу соҳа барқарор ўсиш асосини яратиб, иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ўз навбатида, давлатларнинг жаҳон хўжалиги тизимига интеграциялашуви имкониятларини ҳам кенгайтиради.

Шунинг учун ҳам иқтисодий ва технологик жиҳатдан ривожланган давлатларда мавжуд воситалар ёрдамида ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш жараёнлари, иқтисодиётнинг ахборот-коммуникацион тармоғи ҳамда уларга йўлдош бўлган маҳсулот ва хизматлар изчил ривожлантириляпти. Бунда кўпчилик АКТнинг тармоқ йўналишларидан бири – дастурий таъминот ишлаб чиқиш соҳасининг истиқболли эканини эътироф этмоқда. Бинобарин, айнан ушбу соҳа мамлакатни ривожланган демократик давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллашида бирламчи омилга ҳам айланиши мумкин.

Мамлакатимизда ҳам мазкур соҳа ривожига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Агар 2005 йилда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқараётган компанияларимиз сони 100 тани ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб бу кўрсаткич 268 тага етди. Энг муҳими эса бозордан чет эл маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган янги миллий дастурий маҳсулотлар мустаҳкам ўрин эгаллай бошлади. Бу эса соҳани инновацион фаолиятнинг устувор йўналишлари қаторига олиб чиқиб, яқин келажакда мамлакат ЯИМга янги тушумлар, экспортни диверсификациялаш, юқори технологик иш ўринларини яратиш манбаига айланиши мумкинлигидан далолатдир.

**O`ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА ҚАРОРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАСИНИ ҚАТЪИЙ ПАРЛАМЕНТ ВА ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИГА ОЛАДИ**

O`zLiDeP фракцияси аъзоларининг фикрича, Президентимиз томонидан 2013 йилнинг 20 сентябрида имзоланган «Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори сифатли, рақобатбардош дастурий маҳсулотларни халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳамда соҳа вакилларини ички ва ташқи бозорда ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ниҳоятда муҳим қадам бўлди.

— Ана шу муҳим ҳужжатда электрон шаклда он-лайн режимида юритиладиган дастурий таъминот ишлаб чиқувчилар Миллий реестрини яратишга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаш жоиз, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Абдурашид Жўрабоев. — Шунингдек, қарорда тегишли маълумотлар ягона электрон базасини шакллантириш ҳам асосий вазифалардан бири бўлиши лозимлиги белгиланган. Ушбу чоралар соҳада ишчан муҳитни янада яхшилаш, миллий дастурчилар манфаатини глобал интернет тармоғида ҳимоя қилиш, дастурий маҳсулотлар ва тизимнинг ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтириш имконини беради.

Шу ўринда Миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилар 2017 йилнинг 1 январига қадар барча турдаги солиқлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл фондига, бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилганини таъкидлаш лозим. Бундан ташқари Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган, ҳукумат томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ускуналар, бутловчи қисмлар, деталлар, узеллар, технология ҳужжатлари, дастурий таъминот воситаларига бож тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилиниши ҳам дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилар учун жуда катта рағбат бўлди. Бунда тежалган маблағ соҳа вакилларининг моддий-техник базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ходимларни рағбатлантиришга йўналтирилишини ҳисобга олсак, Президентимиз қарори соҳани янада ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратаётганини англаб етамиз.

Дастурий маҳсулотлар экспортини рағбатлантириш, уларни ташқи бозорга чиқариш мақсадида ушбу қарорда назарда тутилган солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати, агар уларнинг ўзлари ишлаб чиқарган дастурий таъминот воситаларини экспорт қилиш ҳажми улар сотган товарлар (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмининг камида 50 фоизини ташкил этса, яна 2 йилга узайтирилиши белгилаб қўйилди.

O`zLiDeP фракцияси аъзолари жаҳон бозорларида миллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, иқтидорли ёшлар оқимини рағбатлантириш, ёш дастурчиларни манзилли қўллаб-қувватлашга Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармонининг амал қилиши Миллий реестрга киритилган юридик шахслар — дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларга, агар улар хонадонларда ишловчи (касаначи) жисмоний шахслар билан меҳнат шартномалари тузсалар, уларга ҳам татбиқ этилишини таъкидламоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори иқтисодиётнинг энг муҳим секторини жадал ривожлантириш, сифатли, рақобатбардош миллий дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқувчиларни рағбатлантириш, миллий компанияларга дунё бозорида эътироф этилган АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Хитой, Ирландия, Исроил каби мамлакатлардаги софтвер компаниялар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш имконини беради. Шу ўринда ушбу тармоқнинг ривожлантирилиши мамлакат иқтисодиётини диверсификациялашга ҳам сезиларли равишда ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлаш лозим.

Шунинг учун O`zLiDeP фракцияси тарихий аҳамиятга эга қарордан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширишни қатъий парламент ва депутатлик назоратига олади. Зеро, ушбу ҳужжатда белгиланган талаблар ижросидан, аввалambor, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари манфаатдор эканини қайд этиш лозим.

**ННТЛАР ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА**



# «Учинчи сектор»нинг бирламчи вазифаси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI asr»

Шу ўринда жорий йилнинг ўтган ярмида ассоциация ижтимоий аҳамиятга молик 240 млн. сўмлик лойиҳаларни амалга оширгани, ННТлар ва ташаббускор гуруҳлар мурожаати асосида уларга зарур ахборот ҳамда ҳуқуқий маслаҳатлар берганини таъкидлаш мумкин. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилгани эса бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш имконини беряпти.

Албатта, кейинги йилларда «учинчи сектор»нинг эркин фаолият юритишига мукаммал қонунчилик базаси яратилгани ҳам мустаҳкам замин ҳозирлади. «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» ҳамда «Жамоат фондлари тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар шулар жумласидандир. Умуман олганда, ННТларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишининг аниқ механизми яратилгани уларни янада очиқ ва ошкора, аниқ мақсадлар сари ҳаракат қилишлари учун имкониятлар яратди.

Маълумки, XXI асрга ахборот технологиялар асри, дея таъриф берилмоқда. Шу боис ассоциация томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларда ҳам бунга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, 2012 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб ассоциация БМТ ривожланиш лойиҳаси билан ҳамкорликда «Маълумотларнинг оммабоплигини таъминлаш — ННТлар ривожланишининг кафолати» лойиҳасини амалга ошира бошлади. Мазкур лойиҳадан кўзда тутилган асосий мақсад www.ngo.uz сайтини, 50 дан ортиқ миллий ННТни бирлаштирган порталга айлантириш эди. Ҳозирги кунда мазкур сайт порталга айлантирилди ва унда 51 та ННТнинг сайти очилди.

Шунингдек, лойиҳа доирасида «ННТлар фаолиятининг шаффофлиги, очиқлиги ва самарадорлигини таъминлаш, уларнинг Давлат дастурларидаги иштирокини фаоллаштиришдаги долзарб масалалар» мавзуида туркум давра суҳбатлари ҳам ташкил этилди. Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятидаги 30 дан ортиқ ННТ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги, М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, ҳудудлардаги ресурс марказлари, интернет ҳамжамиятлари, ОАВ вакиллари иштирок этган ана шу тадбирларда лойиҳани келгусида янада мукаммаллаштириш, шу билан бирга ассоциация портали ва унинг базасида очилаётган вебсайтларнинг маърифий тарғибот, ташкилий-амалий, ахборот-техник ривожланишини таъминлаш бўйича ҳаракатлар режаси кўриб чиқилди. Бугунга келиб ана шу ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ассоциация ва унга аъзо ННТлар «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросидан келиб чиқадиган вазифаларни ҳам сидқидилдан адо этмоқда, дейиш мумкин. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида қатор давлат ва нодавлат идоралари билан ижтимоий шерикликда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда «Кашандалик, ичкиликбозликка қарши кураш: соғлом турмуш тарзини шакллантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли» мавзуида туркум тадбирлар ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, ассоциация томонидан аҳоли орасига янада чуқурроқ кириб бориш, ресурс марказлари фаолиятини жонлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мухтасар айтганда, «учинчи сектор»нинг ижтимоий шериклик соҳасидаги фаолиятини янада кенгайтириш учун барча имкониятлар сафарбар этилмоқда.

## Қарор Ва ижро

# Тежамкорлик — фаровонлик кафолати

**ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН КОРХОНАЛАРИГА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА ЗАМОНАВИЙ «ТЕЖАМКОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ («КАЙДЗЕН») ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ**

**Бобур ОБИДОВ,**
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг раиси А.Шайхов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида сифатни бошқариш бўйича замонавий тизимлар ва ишлаб чиқаришни бошқаришга доир самарали услубларни ҳаётга татбиқ этишга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бу борадаги ишлар Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июнда қабул қилинган «Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2012 йил 7 мартдаги «Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ амалга оширилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан ҳамкорликда «Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорликка кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида мамлакатимизда ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича замонавий «Тежамкор ишлаб чиқариш («Кайдзен») тизимини жорий этиш ва ривожлантириш дастурини амалга оширмоқда.

Мазкур дастурнинг асосий мақсади маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш самарадорлигини юксалтириш ҳисобидан Ўзбекистон ишлаб чиқарувчиларининг рақобатбардошлигини оширишдан иборат. «Тежамкор ишлаб чиқариш» менежменти услубини жорий қилиш кам маблағ сарфлаган ҳолда, маҳсулот таннархини камайтиришга ҳам ёрдам беради.

Дастур доирасида ташкил этилган семинарларда мамлакатимизнинг юзта саноат корхонасидан 120 нафардан зиёд вакил иштирок этди. «Deutsche Kabel AG Tashkent» очиқ акциядорлик жамияти, «Green World» қўшма корхонаси, «UZTEX–Tashkent», «Nika Pharm», «Keng Makon», «E'tiqod», «Arslon plastik», «Agromir» каби ўн уч корхонада тежамкор ишлаб чиқариш принциплари синов тариқасида жорий этилди.

– Тежамкор ишлаб чиқариш тизимини ўтган йили жорий қилиб, яхши натижаларга эришдик, – дейди «Arslon plastik» масъулияти чекланган жамияти менежери Х.Абдураззоқов. – Бу тизимдан фойдаланиш компания иш унумдорлигини 50 фоизга оширишга ёрдам берди. Меҳнат самарадорлигининг ошиши ва ишлаб чиқариш харажатларининг камайиши натижасида ходимларнинг иш ҳақи ўсишига эришилди. Иш вақтидан фойдаланишни мақбуллаштириш ходимларнинг дам олиш вақти узайиши ва ишлаб чиқаришда яроқсиз маҳсулот тайёрлашни камайтириш имконини бермоқда.

«Тежамкор ишлаб чиқариш» бошқарув тизими бўйича семинарларни мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказиш, мазкур услубни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган бир қанча кичик корхоналарда синаб кўриш режалаштирилмоқда.

**ДАСТУР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ**

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

### МУҲИМ ТАДБИР УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2013 йил 12 сентябрдаги «Фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги карорига асосан жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фукаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилади. Айни кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида ана шу жараёнга кизғин тайёргарлик кўрилмоқда.**

**Халқ депутатлари Андижон туман кенгашининг навбатдаги сессиясида ҳам ана шу масала муҳокама этилди. Унда туман кенгаши депутатлари, қишлоқ ва шаҳарча фуқаролар йиғинлари раислари, ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.**

**Тумандаги 87 ўзини ўзи бошқариш органларида ушбу жараённи юқори савияда ташкил этиш, уюшқоқлик билан ўтказиш учун барча зарур ишлар амалга оширилмоқда.**

**Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда уни ўтказишга кўмаклашувчи комиссия, шунингдек, ишчи гуруҳлари сайловларнинг очик, ошкоралигини таъминлаш, қонуний тамойиллар ва белгиланган тартиблар доирасида ўтишига ёрдам кўрсатиши алоҳида таъкидланди.**

**Депутатлар мазкур масала юзасидан ўзларининг таклиф ва фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Бундай сессиялар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида бўлиб ўтмоқда.**

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎзА мухбири.

### САЙЛОВ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

**Наманган вилоятида ҳам шу йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтадиган фукаролар йиғини раислари (оксоколлари) ва уларнинг маслахатчилари сайловига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.**

**Халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясида мазкур масала кўриб чикилди ҳамда сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссия таркиби тасдикланди. Вилоят Ёшлар марказида мазкур комиссия аъзолари брифинг ўтказди.**

**Тадбирда «Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мазмун-моҳияти ҳакида сўз юритилди.**

**– Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида конунларга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш бўйича оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фукаролар ичидан сайланиши, фукаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг аҳамияти ва роли оширилишини таъминлайдиган чора-тадбирларни назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинган, – дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси Пахриддин Маткаримов. – Ўтган давр мобайнида парламентимиз томонидан янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул килинди. Мазкур қонунлар навбатдаги сайловларнинг ҳар жиҳатдан такомиллашган тартибда ўтишини таъминлайди.**

**Бўлажак сайловда вилоятда 872 нафар фукаролар йиғини раиси (оксоколи) ва уларнинг 900 нафарга якин маслаҳатчиси сайланади. Брифингда сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиянинг сайловни амалдаги қонунчилик талаблари асосида ташкил этиш, Наманган шаҳри ва барча туманларда тегишли комиссиялар фаолиятини мувофиклаштириш, номзодлар сифат таркибига алоҳида эътибор каратиш, муҳим сиёсий-демократик жараёнда фукароларнинг ижтимоий фаоллигига эришиш борасидаги вазифалар ҳақида сўз юритилди.**

А.САТТОРОВ, ЎзА мухбири

# Кадрлар тайёрлаш — долзарб масала

## O`ZLIDEP ҒОЯЛАРИНИ КЕНГ ТАРҒИБ ЭТИШДА «СИЁСИЙ ТАЪЛИМ МАРКАЗ»ЛАРИ ФАОЛИЯТИ МУҲИМ ЎРИН ЭГАЛЛАМОҚДА

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»

Хўш, O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгашида ана шу муҳим масалага қанчалик эътибор қаратилмоқда? Партиянинг ғоя ва мақсадларини тарғиб этишда «Сиёсий таълим маркази»нинг иштироки бугунги талабларга жавоб берадими? Маҳаллий кенгаш депутатлари, партия фаоллари, бошланғич ташкилот етакчилари ишига сиёсий ўқувлар қандай кўмак бермоқда?

— Марказимиз томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 21 маротаба турли мавзуларда давра суҳбатлари, ўқув-семинарлар ташкил этилди, — дейди вилоят кенгаши «Сиёсий таълим маркази» раҳбари Ботир Мусурмонов. — Муҳокама этилган масалалар доирасида турли материаллар тарқатиляпти. Илмий йўналишдаги оммабоп мақолалар тайёрланмоқда. Партиянинг кадрлар захирасини шакллантириш Дастурига мувофиқ ўтказилаётган ўқув курсларида асосий эътибор кадрлар захирасини иқтидорли ёшлар билан бойитиш, давлат ҳокимияти вакиллик органларида ишлашга қодир, сиёсий баҳс-мунозараларга профессионал жиҳатдан тайёр, ўз фаолиятида замонавий технологиялар ва иш методларини қўллай оладиган кадрларни танлашга қаратиляпти.

Мамлакатимизда сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобатнинг тобора кучайиб бораётгани фаолларимизни, айниқса, ёшларни кўппартиявийлик шароитида самарали иш олиб бориш, ҳокимият органлари ва бошқарув фаолиятини шакллантиришда иштирок этишга тайёрлашни тақозо этади.

«Партия қурилиши йўналишидаги навбатдаги долзарб вазифалар» мавзуидаги туркум семинарларда эса партия тузилмалари ишини янада жонлантириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда улар иштирокини кенгайтириш масалалари доимий тарзда кўриб чиқилмоқда. Партиявий дастурлар яратиш ва уларнинг ижросини таъминлашда эса асосий эътибор «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор йўналишларга қаратилмоқда. Вилоят Фермерлар кенгаши, Ўрта-махсус ва касб-ҳунар таълими, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси, Марказий банк, Бандликка кўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликда ташкил этилган ана шундай тадбирларда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир» деб номланган маърузаси дастуриламал вазифасини ўтади. Ана шу маъруза айни пайтда O`zLiDeP зиммасидаги вазифалар ва уларни амалга оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаш жоиз.

Марказ томонидан ҳар йили вилоят Маънавият-тарғибот маркази билан ҳамкорликда шаҳар ва туманларда, энг чекка қишлоқларда ҳам маънавий-маърифий учрашув ва тадбирлар ўтказиляпти. Уларда озод Ватанимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар моҳияти, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи, Юртбошимиз раҳнамолигида эришилаётган ютуқлар самараси хусусида иштирокчиларга атрофлича маълумотлар берилмоқда. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинганидан кейин эса тарғибот-ташвиқот ишлари «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остидаги махсус партиявий тадбирларга қаратилди.

Шу ўринда бу йилги тадбирларга ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўп иштирокчилар жалб этилганини таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари 138 нафар маҳаллий кенгаш депутатлари, 350 та бошланғич ташкилот етакчиси ўқувларда қатнашиб, партия фаолиятини янада такомиллаштириш, электорат билан ишлашни кучайтириш борасидаги аниқ таклиф ва тавсияларини бердилар.

Бир сўз билан айтганда, «Сиёсий таълим маркази» ўз номи билан партия аъзолари учун том маънода ахборот, маълумот ва йўналишлар берувчи тузилмага айланмоқда. Ўтказилаётган семинарларда депутатлик гуруҳлари билан ишлашни самарали ташкил этиш, уларнинг халқ депутатлари кенгашларидаги фаолиятини кучайтириш, электорат ва партия тузилмалари билан алоқасини янада мустаҳкамлаш, депутатлар томонидан ечимини кутаётган муаммо ва камчиликларнинг мақбул ечимларини топиш ва тегишли маҳаллий бошқарув идоралари билан уларни ҳал этиш бўйича йўналишлар белгилашга асосий эътибор қаратяпмиз. Ана шундай масалалар муҳокама этилган «Мустақиллик — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили» мавзуидаги ўқув-семинарлар Қарши шаҳри, Шаҳрисабз, Касби туманларида уюшқоқлик билан ташкил этилди.



Шу ўринда депутатлар ва фаоллар кўмагида чекка ҳудудларда хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, эндигина тадбиркорликка қўл ураётган коллеж битирувчиларига амалий ёрдам кўрсатиш бугуннинг энг долзарб вазифаси эканини таъкидлаш жоиз. Бу эса электоратни «Обод турмуш йили» Давлат дастурини бажаришга кенг жалб қилиш борасида тушунтириш-тарғибот ишларини янада кучайтиришни тақозо этади. «Сиёсий таълим марказлари» эса бу жараёнда партиянинг кадрлар захирасини шакллантиришда асосий оғирликни ўз зиммасига олиши керак.

Аммо айрим туманларда ўтаётган ўқув машғулотлари, семинар-тренинглар таҳлили бу борада БПТ етакчилари ва депутатлар фаоллиги талаб даражасида эмаслигини ҳам кўрсатаяпти. Бундан эса ҳар биримиз тегишли хулосалар чиқаришимиз лозим.

«Сиёсий таълим марказлари»ни янги ўқув қўлланмалари, сиёсий адабиётлар билан таъминлаш ҳам фаолиятимизнинг жонланишига хизмат қилган бўларди. Тан олиш керак: кучли кадрлар, иқтидорли, салоҳиятли ёшлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларни тарбиялаш, ўқитиш, амалий кўникмаларини доимо ошириб бориш керак. Бу эса «Сиёсий таълим маркази»нинг асосий вазифасидир. Бас, шундай экан, «Сиёсий таълим марказлари» фаолиятини бугунги кун талаблари асосида изчил такомиллаштириш керак. Агар бор куч-ғайратимиз, сиёсий тажрибамизни ишга солиб, дастурий мақсадларимизни аҳоли, тарафдорларимиз орасида кенгроқ тарғиб қилмоқчи бўлсак, кучли тарғиботчилар тайёрлаш масаласи долзарб эканини англаб етамиз. Бу эса кенгашлар раҳбарлари ва жойлардаги депутатларнинг партия ишига бўлган масъулиятини янада оширишни талаб этилади.

# Ёшлар юқори маррани кўзламоқда

## O`ZLIDEP НАМАНГАН ШАҲАР КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН «ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!» ШИОРИ ОСТИДА ЁШЛАР БИЛАН НАВБАТДАГИ УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛДИ

**Комилжон ФАЙЗИЕВ**

Тажрибали педагоглар, таниқли тадбиркор ва фермерлар, халқ депутатлари Наманган шаҳар кенгаши депутатлари қатнашган тадбирда Сиёсий таълим маркази раҳбари Наргиза Муҳаммадиева сўзга чиқиб, истиқлол йиллари мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар замирида инсон ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг билим олишлари, ишлашлари учун қулай шароитлар яратиш мақсади мужассам эканини таъкидлади.



— Ана шу йилларда мамлакатимизда мулкка бўлган муносабат ўзгариб, мулкдорлар синфи шакллангани энг катта ютуқларимиздан бўлди, — деди Н.Муҳаммадиева. — Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг таянч бўғинига айланди. Унинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши ҳам йилдан-йилга ортиб бораётир. Касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ҳар йили ўтказилаётган «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба» каби партиявий лойиҳалар ҳам ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш учун қўшимча қулайликлар яратишга хизмат қиляпти.

20-мактаб директори Раънохон Насриддинова эса ижтимоий-сиёсий соҳадаги ўзгаришлар «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» шиори асосига қурилганини, мамлакатимизда кўппартиявийлик тизими шаклланганини фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирок этиш имкониятини яратганини қайд этди.

Тадбирда қатнашган навқирон авлод вакиллари ҳам бу борадаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

— Айни пайтда Наманган тиббиёт коллежи талабасиман, — дейди Гулшода Отабоева. — Дарҳақиқат, биз учун яратиб берилган бугунги шароитлар дунёнинг ҳеч бир давлатида йўқ. Шунинг учун ҳам бундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, юртимизнинг янада гуллаб-яшнашига ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз керак. Шахсан ўзим келажакда шифокор бўлиб, эл саломатлиги йўлида хизмат қилишни ният қилганман.

— Мен ҳам шу коллеж талабасиман, — дейди Дилшода Асқаралиева. — Устозларимиз бизга ўргатганларидек, бой ва қадим тарихга эга халқмиз. Демак, улар йўлини давом эттириб, юртимиз довруғини янада юксалтиришимиз керак. Маълумки, бугунга келиб ахборот-коммуникация технологиялари тобора ривожланяпти. Бу биз — ёшлар учун ҳам кенг имкониятлар яратмоқда. Шундан фойдаланиб, аждодларимиз қолдирган меросни янада бойитишимиз, Ўзбекистон ёшлари билим ва маҳоратда нималарга қодир эканликларини кўрсатишимиз керак.

— Миллий ҳунармандчилик ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ҳам ёшларнинг билим олишлари, касб-ҳунар сирларини ўрганишлари учун барча шароитлар яратилган, — дейди «Камолот» ЁИҲ шаҳар бўлими бошланғич ташкилот раиси Авазбек Умаров. — Айни пайтда коллежда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни тадбиркорликка йўналтириш юзасидан туркум тадбирлар ўтказаяпмиз. Мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллик байрами муносабати билан ҳам қатор кечалар, очиқ мулоқотлар ўтказдик. Шу ўринда Президентимизнинг ёшларга қарата «Маррани доимо баланд қўйиб яшанг, азиз болаларим, давр бизники, марра бизники!» деган сўзлари тадбирда қатнашган барча тенгдошларимизни Ватан равнақи учун бор куч ва ғайратларини сарфлашга ундаганини алоҳида таъкидлаш лозим.

**МУСТАҚИЛЛИК ТУФАЙЛИ БИЗ, ТАДБИРКОРЛАР КАТТА ИМКОНИЯТЛАРГА ЭГА БЎЛДИК**

**ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАР ЁШЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛЯПТИ**

# Мақсад сари дадил интилмоқ керак,

## — ДЕЙДИ НАВБАҲОРЛИК ТАДБИРКОР, O`ZLIDEP АЪЗОСИ ГУЛШАН ОЛТИНОВА

**Мансур АСЛОНОВ,**
«XXI asr»



— Меҳригул опа қишлоғимизнинг олди аёлларидан бўлиб, чеварликда ном чиқарганди. Замоннинг зайлини қарангки, унинг тўнғичи Гулшаной меҳнат ва интилишлари орқали онасидан ҳам ўзиб кетди.

— Нимасини айтасиз, айланай! Гулдек оиласи, ширин-шакар фарзандлари бор. Айниқса, тадбиркорлик фаолияти ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди.

Навбаҳор туманининг Қурама қишлоғида бўлсангиз, Гулшан Олтинова ҳақида ана шундай сўзларни бот-бот эшитасиз. Чиндан ҳам ёш партиядошимиз кўзлаган эзгу мақсадлар йўлида тинмай изланиб, салмоқли ютуқларга эришмоқда.

— Гулшаной икки йил аввал якка тадбиркор сифатида иш бошлаган эди, — дейди «Мирзамўмин» МФЙ раиси Холмурод Раҳмонов. — Ҳозир каттагина хусусий корхонаси бор. Бу ерда асосан маҳалламиз аёллари меҳнат қилишади. Жорий йилда «Истиқлол» касб-ҳунар коллежини битирган йигирма нафар қиз корхонада ўқув амалиётини ўтади. Улардан саккиз нафари доимий ишга қабул қилинди. Хусусан, маҳалладаги камхарж, боқувчисини йўқотган оилаларга корхона ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилаётгани, боғча ва мактабларда ўтказиладиган турли тадбирларга ҳомийлик қилинаётгани эътиборга моликдир. Ҳар бир инсоннинг тақдир йўли ўзига хос. Гулшаной ҳунар-техника билим юртини тугатгач, Навоий шаҳридаги Болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказида ташкил этилган бичиш-тикиш тўгарагига раҳбарлик қилди. Эҳтимол, унда тадбиркорликка иштиёқ ўшанда уйғонгандир. Кейинчалик O`zLiDeP сафига кириб, унинг фаолларидан бирига айланди, танлаган соҳаси бўйича етарли билим ва тажриба тўплади.

Партия лойиҳаларида иштирок этган чевар Гулшан Олтинова 2011 йил бошида банкдан имтиёзли кредит олиб, якка тадбиркор сифатида иш бошлади. Кейинчалик янги дизайндаги моделлар кўргазмасини ташкил этди, «Устоз-шогирд» ўқув курсини очди. Бугун тикувчилик сирларини ўрганиб, чевар даражасига етган ва ҳаётда ўз ўрнини топган юзлаб хотин-қизлар уни «устоз», дея эъзозлашади.

Мамлакатимизда тадбиркорлик ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланиб, қишлоқ жойларида сервис хизматини ташкил этиш учун қулай шарт-шароит яратилганлиги ва кўпдан-кўп имтиёзлар берилганлиги янги орзуларга қанот бахш этмоқда. «Туронбанк» ОАТБнинг вилоят филиали томонидан ажратилган 32,5 миллион сўмлик лизинг маблағи эвазига Япониядан замонавий тикув машиналари харид қилинди ва «Афросиёб Гулшани» хусусий корхонасига асос солинди. Ҳозирги кунда корхонада бошланғич ташкилот ҳам фаолият юритмоқда. Унинг аъзолари сони ўн нафардан ошиб қолди. Корхона раҳбари, БПТ етакчиси Г.Олтинова чеварлар ўртасида сиёсий-мафкуравий ишларни кучайтиришга ҳам жиддий эътибор қаратмоқда.

Хусусан, етакчи маҳаллаларда, коллеж ва лицейларда бўлиб, партиянинг мақсад ва вазифалари, партия томонидан таъсис этилган лойиҳаларни кенг тарғиб этмоқда. Тадбиркорликка оид қонунлар, фармон ва қарорлар моҳиятини, улар асосида яратиб берилган имтиёзлар хусусида сўзлаб бераяпти.

— Мустақиллик туфайли биз, тадбиркорлар катта имкониятларга эга бўлдик. Турмуш ўртоғим, фарзандларим Равшанжон ва Гулфара корхонанинг асосий таянчидир. Сармишсой дарасида бўлиб ўтган «Асрлар садоси» фестивалида иштирок этиб, турли соҳада фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар орасидан дўстлар орттирдим. Айниқса, биз тиккан кийим-кечаклар ва эсдалик матолари хорижлик меҳмонларга маъқул бўлди, — дейди суҳбатдошимиз. — Яқинда фарғоналик тадбиркор дўстларимнинг ишлари билан танишиб, бир олам таассурот билан қайтдим. Чунки уларда ўрганишга арзийдиган жиҳатлар кўп экан. O`zLiDeP туман кенгаши маслаҳатчиси Мақсуджон Ўсаров билан фикрлашиб, республика «Меҳр нури» жамғармаси томонидан эълон қилинган танловда қатнашишга қарор қилдик. Шундан кейин болалар кийим-кечаклари тикишни йўлга қўйиш учун 2,5 миллион сўмлик грант лойиҳасини тайёрладик. Агар лойиҳамиз маъқулланса, корхонада учта қўшимча иш ўрни яратиш имкони туғилади. Яқин келажакда маҳаллий хом ашёдан тайёр мато ишлаб чиқаришни ҳам мўлжаллаб турибмиз. Яна бир катта орзуим — Президент соврини учун ўтказиладиган «Ташаббус-2014» кўрик-танловида иштирок этиш, мустақилликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш, юртдошларимиз манфаати йўлида сидқидилдан хизмат қилиш, хуллас, оддий бир қишлоқ аёлининг нималарга қодирлигини амалда намоён этишдир.

Нима ҳам дердик. Эзгуликнинг йўли ҳамиша ойдин. Қаҳрамонимиз келажакка ишонч билан қараб, тадбиркорлик соҳасида янги марраларни кўзлаётган экан, унга фақат омад тилаймиз. Чиндан ҳам бир аёлнинг бахти ва тахти шу эмасми аслида?!

## «Аёллар қаноти»

**БУХОРО.** O'zLiDeP вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан «Республика Аёллар Кенгаши» жамоат бирлашмаси, Онкология, Эндокринология диспансерлари, Хотин-қизлар қўмитасининг Жондор ва Шофиркон туман бўлимлари ҳамкорлигида 200 нафар аёл бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Тадбир давомида ана шу туманлардаги аёлларга малакали маммолог, эндокринолог, терапевтлар томонидан оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича маслаҳатлар ҳам берилди.

**САМАРКАНД.** Ургут туман Фермерлар кенгашида «Ўзбекистонда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш истиқболлари» мавзуида боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланаётган аёл фермерлар учун ўқув-семинар ташкил этилди. O`zLiDeP «Аёллар қаноти» ташаббуси билан уюштирилган ушбу тадбирда Фермерлар кенгаши ҳамда фермер опа-сингилларимиз фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммолар, уларни ҳал қилиш йўллари, боғдорчилик ва узумчилик соҳасини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.
Семинарда O`zLiDeP туман кенгаши масъуллари, халқ депутатлари туман кенгаши депутатлари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, фермерлик ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар иштирок этдилар.

**КАШКАДАРЁ.** O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси доирасидаги навбатдаги тадбирини Миришкор туманидаги Обод қишлоғида уюштирди. «Кичик бизнеснинг катта имкониятлари» мавзуидаги семинар-тренингда асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка оид қонунлар ижросига қаратилди. Чироқчи туманидаги «Сарбон баракаси» МЧЖ биносида эса «Кичик бизнес ва тадбиркорликни инновация асосида ташкил этишнинг афзалликлари» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.
— Давра суҳбатларида тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга доир амалдаги қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумотлар берилди, — дейди партия фаоли С.Аликулова. — Шу билан бирга, O`zLiDePнинг дастурий мақсад ва вазифаларини жойларда кенг тарғиб қилиш, хотин-қизларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш, уларни янги технологиялар асосида ишлашга ўргатиш масалалари хусусида ҳам сўз юритилди.

## БИР ҲОВУЧ ДУР

**Фикрингни назорат қил, у сўзга айланади,**
**Сўзингни назорат қил, у одатга айланади,**
**Одатларингга эҳтиёт бўл, у феълингга айланади,**
**Феълингни назорат қил, у тақдирингни белгилайди.**

**АНДИЖОН**



**O`zLiDePнинг қонунчилик фаолияти жойларда кенгроқ тарғиб этилиши керак. Избоскан туманидаги «Гриф таъмирлаш қурилиш» масъулияти чекланган жамиятида бошланғич партия ташкилот тузилиши муносабати билан ўтказилган йиғилишда ана шундай фикр билдирилди. Ўн нафар сиёсий етук, изланувчан аъзоларни жамлаган янги қуйи бўғинга малакали мутахассис Р.Қобулов етакчи этиб сайланди.**

**ХОРАЗМ**



**Гурлан туманидаги «Хўжа Бобожон» масъулияти чекланган жамиятидаги бошланғич ташкилот аъзолари ўттиз нафар ўқитувчига автобусда қатнаш учун ўттиз фоизли чегирма бериш ташаббуси билан чиқдилар.**

**— Ҳар биримиз «Алифбо»ни ҳам, оқу қорани ҳам устоз-муаллимлардан ўрганганмиз, — дейди МЧЖ раҳбари, БПТ раиси Баҳодир Бобожонов. − Устозларга эҳтиром тариқасида туман марказидан олисда яшайдиган ўттиз нафар ўқитувчига 30 фоизлик чегирма жорий қилдик. Бундан ташқари учта умумтаълим мактабига, ўттизта муҳтож оилага ҳомийлик ёрдами кўрсатдик.**

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2013 йил 3 октябрь, пайшанба

web sayt: www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади



**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН.**

**O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ташаббуси билан «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси доирасида Чимбой туманидаги иқтисодиёт коллежида «Миллий қадриятлар заминидаги оилавий бизнес» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

**Унда Президентимизнинг «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони ва «Обод турмуш йили» Давлат дастурида тадбиркорликни, айниқса, оилавий бизнесни рағбатлантиришга қаратилган устувор вазифаларнинг тумандаги ижроси атрофлича муҳокама этилди.**

**— O`zLiDeP Дастурида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда ва тадбиркорлик фаолиятидаги нуфузини оширишга доир қатор вазифалар белгилаб олинган, — деди тадбирда O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири А.Юсупова. − Бугунги давра суҳбатида шу йўналишда олиб борилаётган ишларга яна бир назар ташлаб, уларни танқидий-таҳлилий ўрганиб, янги таклиф ва тавсиялар олмоқчимиз.**

**Давра суҳбатида, шунингдек, миллий маънавиятимизга ҳамоҳанг либерал-демократик ғоя ва қадриятлар, партия ўз олдига қўйган устувор вазифалар, мамлакатимизда амалга оширилаётган кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.**

**Тадбир сўнгида маҳаллий ҳунармандларнинг маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.**

**НАМАНГАН.**

**O`zLiDeP вилоят кенгаши ҳамда кенгаш ҳузуридаги «Сиёсий таълим маркази» томонидан ўтказилган навбатдаги тадбир «Мустақиллик — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили» мавзуига бағишланди. «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ташкил этилган тадбирда «Сиёсий таълим маркази» раҳбари ўринбосари Рустамжон Ҳакимов «Дунё эътироф этаётган тараққиёт йўли» мавзуида маъруза қилди. Унда истиқлол йилларида эришилган ютуқларнинг асосий омиллари, хусусан, бугун дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётган тараққиётнинг «ўзбек модели», «Янги уй қурмасдан туриб эскисини бузма», «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон учун» ғояларининг амалдаги ифодасининг туб моҳияти хусусида сўз юритилди. Якуний семинарда бундай тадбирларни вилоятдаги барча меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда мунтазам равишда уюштиришга келишиб олинди.**

# Масъулият фаолликка ундайди

## ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДА ЖОЙЛАРДА СИЁСИЙ ФАОЛЛИКНИ ОШИРМАЙ ТУРИБ, КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ. БУ БОРАДА, O`ZLIDEP ВА УНИНГ ҚУЙИ БЎҒИНЛАРИ ЗИММАСИГА ҲАМ АЛОҲИДА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАТИЛГАН

**Асхор ИСТАМОВ,**
«XXI asr»

Бухородаги «Жондор чашмаси» масъулияти чекланган жамиятида сиёсий-мафкуравий ишлар намунали йўлга қўйилган, десак хато қилмаган бўламиз. Бу борада ўз сафида тўққиз нафар аъзони бирлаштирган O`zLiDeP бошланғич ташкилотининг ҳиссаси катта бўлаётир.

**O`ZLIDEP УСТАВИДАН**

**— БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ АҲОЛИНИНГ ТУРЛИ ҚАТЛАМ ВАКИЛЛАРИ, ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР, ФЕРМЕРЛАР, МУЛКДОРЛАР СИНФИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА БОШҚА МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИГА ДОИМИЙ ТАРЗДА ТАҲЛИЛИЙ МАТЕРИАЛЛАР ВА ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМ ЭТИБ БОРИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЯДИ.**

Мазкур қуйи бўғин ўз олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, омма орасига кириб бориш, тарафдорлар сафини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда. Айниқса, иқтисодий масалаларга алоҳида масъулият билан ёндашилаётганлиги эътиборга моликдир. Зеро, O`zLiDeP Дастурида белгиланганидек, «Партия тадбиркор ва ишбилармонлар фаолияти ялпи маҳсулотнинг яратилишида етакчи ўрин эгаллаши ҳамда фуқаролар фаровонлигини оширишда асосий омил бўлиши керак, деб ҳисоблайди».

«Жондор чашмаси» бугунги кунда нафақат туман, балки вилоятда ҳам етакчи саноат корхоналаридан биридир. Унга қарашли сутни қайта ишлаш заводи технологик жиҳатдан янгилангач, иқтисодий самарадорлик янада ошди. Ўтган йили саккизта янги иш ўрни ташкил этилгани ҳам эътиборга моликдир. Хусусан, корхонада тайёрланаётган сариёғ, пишлоқ, сметана, творог, қаймоқ, бринза сингари 12 турдаги маҳсулотга ички бозорда талаб катта. 2012 йили буюртмачиларга 594,6 млн. сўмлик истеъмол маҳсулотлари етказиб берилиб, рентабеллик даражаси 22 фоизга етди. «Ташаббус» кўрик-танловининг вилоят босқичида корхона раҳбари Мамлакат Тошеванинг кўп йиллик меҳнат ва изланишлари эътироф этилиб, «Йилнинг энг яхши тадбиркори» йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллаганлиги ҳам бежиз эмас.

— Жамоамиз аъзолари, айниқса, O`zLiDeP фаолларининг саъй-ҳаракати билан истиқболли режалар ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалга оширилмоқда, — дейди БПТ етакчиси М.Тошева. — Тадбиркорликнинг муҳим йўналишларидан бири − касаначиликнинг ташкил этилганлиги ҳам ўз амалий натижаларини бераяпти. Келгусида банк кредитлари ҳисобига зотли қорамоллар сотиб олиш, замонавий чорвачиликни йўлга қўйиш, маҳсулот турларини янада кўпайтиришни режалаштирганмиз. Бу эса партиямиз Дастурида кўзда тутилган устувор вазифалар билан чамбарчас боғлиқдир.

Айни кунда корхонада 20 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг 9 нафари O`zLiDeP аъзосидир. Тижорат банклари томонидан ажратилган 50 млн. сўм кредит эвазига замонавий асбоб-ускуналар харид қилинди. Бу эса кунига аҳоли ва фермерлардан сотиб олинаётган 2,5-3 тонна серқаймоқ сутни сифатли қайта ишлаш имконини бермоқда.

Қолаверса, сутни қаймоқдан ажратишга мўлжалланган янги сепаратор, 2 та замонавий музлатгич, сметана тайёрлашда қўлланиладиган гамагинизатор ҳам маҳсулотлар таркибини бойитиш ва ассортиментини кенгайтиришда муҳим ўрин тутаяпти.

Энг асосийси, БПТ атрофига бирлашган фаолларнинг аксарияти — Абдуғафур Саидов, Фотима Аҳмедова, Насиба Неъматова, Вазира Рўзиева, Дилафруз Муҳитдинова партиянинг дастурий ғоя ва мақсадларини тарғиб қилиш орқали аҳоли, айниқса, ёшларда тадбиркорлик кўникмасини шакллантиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бунда улар учун 2013 йилда O`zLiDeP томонидан таъсис этилган ва жойларда катта қизиқиш билан кутиб олинган партиявий лойиҳалар қўл келмоқда. Шу кунгача мазкур БПТ аъзолари «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари», «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба» каби партиявий лойиҳалар доирасида ўнга яқин тадбирлар ўтказишди.



«Зарафшон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Жондор чашмаси» ўз сиёсий фаолият доирасини кенгайтириб, «Пахтакор» ва «Навгади» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида ҳам кенг миқёсда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришмоқда. Хусусан, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, бугунги ислоҳотлар жараёни, партиянинг дастурий ғоя ва мақсадларига оид давра суҳбатлари, юзма-юз мулоқотлар кўпчиликда катта таассурот қолдираяпти. O`zLiDeP туман кенгаши ва БПТ фаоллари ҳамкорлигида касб-ҳунар коллежлари, корхона-ташкилотларда ўтказилаётган турли тадбирларда ҳам Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да ўз ифодасини топган қоида ва хулосалар хусусида атрофлича сўз юритилмоқда.

— Ҳар бир сиёсий партия унга билдирилган ишончни оқлаши керак, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Умида Рустамова. − Айни кунда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳларининг жойлардаги қуйи бўғинлар билан ҳамкорликда амалга ошираётган ишлари кутилган натижаларни бераётганлиги кишини қувонтиради, албатта.

Сиёсий партиянинг таянч нуқталари саналган қуйи бўғинлар зиммасига айни пайтда сайловчилар, электорат вакиллари эътиборини қозониш, уларнинг ҳаётий муаммоларини қонуний ҳал этишга доир ташаббуслар билан чиқиш вазифаси юклатилаётгани бежиз эмас. Бинобарин, сайловчилар ишончини қозониш, кўзланган мақсадларга тўла эришиш учун жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш талаб этилади. М.Тошева етакчилигидаги БПТ фаоллари буни теран ҳис этиб, ўз бурчларига янада масъулият билан ёндашишмоқда. Зеро O`zLiDePнинг жамиятдаги сиёсий нуфузи ва мавқеи сайловлар даврида берилган ваъдалар, белгилаб олинган режалар натижасига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

## «O`ZLIDEP САФИГА ҚЎШИЛМОҚЧИМАН»

***O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси сайтига фуқароларимиздан «Партияга аъзо бўлиш учун кимга мурожаат қилиш керак?» мазмунидаги саволлар мунтазам келиб тушяпти. Ўтган ойда 17 нафар юртдошимиз ана шундай савол билан мурожаат қилган. Улар орасида пойтахтимиздаги «Тикув-Зиё-Файз» МЧЖ раҳбари Г.Қосимова, Пахтакор туманидаги «Жавлонбек» фермер хўжалиги раҳбари Э.Кенжаев, Шарқшунослик институти талабаси Б.Луқмонов бор.***

O`zLiDeP Ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг масъул ходими Бахтиёр Аҳмедовнинг маълум қилишича, партия Уставига биноан Ўзбекистон Либерал-демократик партиясида чегараланган аъзолик тартиби ўрнатилган. Яъни 18 ёшга тўлган, партия Дастурини тан оладиган ва Устави талабларини бажарадиган, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва жамиятда эгаллаган мавқеидан қатъи назар, Ўзбекистоннинг ҳар бир лаёқатли фуқароси партияга аъзо бўлиши мумкин.

Партияга аъзолик якка тартибда расмийлаштирилади. Фуқаролар яшаш ёки иш жойидаги бошланғич партия ташкилотига ёки партиянинг туман (шаҳар) кенгашига ариза бериш орқали партияга аъзо бўлишлари мумкин. Партияга аъзо бўлган шахсларга уларнинг турар-жойи ёки иш жойидаги партия ташкилоти томонидан ўрнатилган намунадаги аъзолик гувоҳномаси берилади.

# Партия аъзоси ташаббускор бўлиши лозим

## ЗАРАФШОН ШАҲРИДА O`ZLIDEPНИНГ 851 НАФАР АЪЗОСИ БОР УЛАР ОЛТМИШ ТЎРТТА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТГА БИРЛАШГАН ҲОЛДА ПАРТИЯНИНГ ҒОЯ ВА МАҚСАДЛАРИНИ ТАРҒИБ ЭТМОҚДАЛАР

**Мансур АСЛОНОВ,**
«XXI asr»

O`zLiDeP Зарафшон шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Олимжон Саноқуловнинг таъкидлашича, Зарафшонда бу йил қуйи бўғинлар 24 тага, аъзолар сони эса 147 нафарга кўпайди.

— Бошланғич ташкилотларга ёш, иқтидорли кишилар етакчи этиб сайланаётгани партия тарафдорлари ва аъзолар сонининг ортишига хизмат қиляпти, — дейди О.Саноқулов. — Масалан, Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармасининг Мурунтов конига қарашли «Рудник-М» корхонасида иш олиб бораётган бошланғич ташкилот ҳақида ҳам ана шундай фикр билдириш мумкин. Ўктам Жумаев раҳбарлик қилаётган ушбу БПТга айни кунда 120 нафардан зиёд маслакдош бирлашган, уларнинг 82 фоизини 35 ёшгача бўлганлар ташкил этмоқда.

Яқинда қуйи бўйин аъзолари ташаббуси билан «Биз тинчлик истаймиз, тинчлик истар юрт» деб номланган тадбир ўтказилди. Унда НКМК Марказий кон бошқармаси бош муҳандиси, халқ депутатлари Зарафшон шаҳар кенгаши депутати Сергей Леу сўзга чиқиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган тинчликпарвар сиёсат, турли миллат вакилларининг бир оила фарзандларидек тинч-тотув, аҳил яшаб, меҳнат қилаётганликлари, айниқса, ёш авлоднинг ўқиб, билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши борасидаги ғамхўрликлар улкан жамоа аъзолари ҳаётида ҳам акс этаётганини таъкидлади.



— Юрт тинчлиги, мамлакат ободлиги, мустақил Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар қандай самара бераётганини барчамиз кўриб турибмиз, — дейди С.Леу. — Айрим давлатлардаги нотинчликлар, беқарорлик ҳолатларига гувоҳ бўлиб, Ўзбекистондаги тинчлик ва хотиржамликнинг қадрига етиш, уни кўз қорачиғидек асраш лозимлигини англаймиз, албатта. Бунда, айниқса, сиёсий партия аъзолари истиқлол туфайли қўлга киритилган оламшумул ютуқларни омма ўртасида кенг тарғиб қилиши, сафдошларимизни қабул қилинаётган қонунлар, Президент фармонлари, Давлат ва ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш жараёнида фаол иштирок этишга чақиришлари лозим.

Тадбир якунида партия аъзолигига қабул қилинган 17 нафар ёшларга аъзолик гувоҳномаларини шаҳардаги 7-сон автокорхона директори, халқ депутатлари Зарафшон шаҳар кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Ерлепес Исмоилов топширди.

Реклама ўрнида

# Қишлоқ мулкдорларига алоҳида эътибор

**МАМЛАКАТИМИЗ МОЛИЯ БОЗОРИДА ЖУДА КАТТА ЭЪТИБОР ҚОЗОНГАН, ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЁТГАН «АГРОБАНК»НИНГ ХОРАЗМ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ ҲАМ 12 ТА ТУМАН ВА ШАҲАР ФИЛИАЛИ, ШУНИНГДЕК, 41 ТА МИНИ БАНКИ ОРҚАЛИ МИЖОЗЛАРГА ТЕЗКОР ВА СИФАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТАЯПТИ**

**Шаҳзод НАЗАРОВ,**
«XXI asr»



Бугунги кунда сармояларининг асосий қисмини вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтираётган банк томонидан жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига жами 31 млрд. 448 млн. сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди.

Хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга 8 млрд. 723 млн. сўм сармоя йўналтирилди. Натижада жойларда хизмат маданияти ошиб, бозор пештахталарига сифатли маҳсулотлар чиқарилмоқда. Худди шунингдек, маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш масаласи ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Жорий йилнинг ўтган даврида банк томонидан соҳага 7 млрд. 614 млн. сўм кредит маблағи ажратилганлиги фикримизга мисол бўлиши мумкин.

Энг муҳими, ўзаро манфаатли ҳамкорлик кутилган самараларни бермоқда. Урганч шаҳридаги «Нозима-Гулхоним» хусусий корхонасига ғишт ишлаб чиқариш, зарур техника ва ускуналар харид қилиш учун 150 млн. сўм кредит ажратилган эди. Натижада корхона оёққа туриб, қўшимча 15 та янги иш ўрни ташкил этилди. Бундай саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, 2013-2015 йилларда Хоразм вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш Дастури билан чамбарчас боғлиқдир. Ўтган саккиз ой мобайнида дастур ижросини таъминлаш учун 6 млрд. 790 млн. сўм миқдорида кредит маблағи йўналтирилди. Натижада саноат корхоналарининг иқтисодий имкониятлари кенгайиб, кўплаб қўшимча иш ўринлари барпо этилмоқда.

«Агробанк»нинг вилоят бошқармаси деҳқон ва фермер хўжаликларида чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни йўлга қўйишга ҳам бирламчи эътибор қаратаётир. Унинг сармоялари ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар туфайли жойларда маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғи ортиб, аҳоли дастурхонига қут-барака киряпти. Жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида қорамолчиликни ривожлантириш учун 1 млрд. 676 млн. сўм, паррандачиликка 1 млрд. 525 млн. сўм, интенсив боғдорчиликни йўлга қўйиш учун 146 млн. сўм, балиқчиликка 650 млн. сўм ва асаларичилик соҳасига 192 млн. сўм кредит ажратилди.

Мана, бир мисол. Банкнинг Хива филиали томонидан «Хива Халол савдо» масъулияти чекланган жамиятига паррандачилик фаолиятини ташкил этиш учун 150 млн. сўм сармоя ажратилган эди. Бунинг самараси ўлароқ, 8 киши доимий иш билан таъминланди.

Банк филиали вилоятда сервис хизматини такомиллаштиришга ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига хўжалик юритувчи 38 та субъектга 1 млрд. 445 млн. сўм миқдорида кредит ажратилганлиги эътиборга моликдир. Ушбу сармоялар жойларда хизмат сифати ва маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этаётганлиги шаксубҳасиз.

— Биз банкнинг Қўшкўпир филиалидан умумий овқатланиш хизматини йўлга қўйиш учун 200 млн. сўм кредит олган эдик, — дейди «Хадра-Ҳасан» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Дилшод Раҳимов. — Бунинг эвазига 5 киши доимий иш билан таъминланди.

Бир сўз билан айтганда, «Агробанк»нинг Хоразм вилоят бошқармаси хизмат сифати ва маданиятини ошириш учун барча имкониятларни сафарбар этмоқда. Бу эса мижозлар ишончини мустаҳкамлаб, янгидан-янги ютуқларга замин ҳозирлаётир.

# Сармоялар — иқтисодиётнинг устувор соҳаларига

МИЛЛИЙ БАНК ТИЗИМИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ, ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, БАНКЛАРНИНГ КАПИТАЛЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШГА ЙИЛ САЙИН КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI asr»

«Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкининг Хоразм вилоят филиали жамоаси ҳам давр талабларидан келиб чиқиб, мижозларнинг банкка бўлган ишончини мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, мижозлар учун янги омонат турларини жорий этиш йўлида барча ички имкониятларни ишга солмоқдалар. Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига банкнинг жами кредит қўйилмалари ҳажми 99,5 млрд. сўмни ташкил этиб, шундан узоқ муддатли кредитлар 98 фоизни ташкил этмоқда.

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ РАҲНАМОЛИГИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР БИЗ КАБИ ТАДБИРКОРЛАРГА КЕНГ ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗЛАР ЯРАТМОҚДА**

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Зеро, мамлакат иқтисодиёти барқарорлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришда ушбу тизим вакилларининг саъй-ҳаракати алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу боис банк филиали томонидан жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 20,7 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди. Бунинг натижасида 220 та янги иш ўрни ташкил топди.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши, турмушини бундан-да обод этиш мужассамдир. «Обод турмуш йили»да молия муассасаси томонидан бир қатор чора-тадбирлар дастури белгиланиб, шундан келиб чиққан ҳолда банк мижозларига тезкор ва ишончли хизматлар кўрсатилмоқда.

Хусусан, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш мақсадида банк томонидан 3,2 млрд. сўм, шунингдек, ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш учун 9,4 млрд. сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди. Натижада вилоят аҳолисини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш имконияти ошди.

— Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор биз каби тадбиркорларга кенг имконият ва имтиёзлар яратмоқда, — дейди Қўшкўпир туманидаги «Қўшкўпир парранда» МЧЖ раҳбари Улуғбек Мадаминов. — Жамиятимиз паррандачиликка ихтисослашган. «Обод турмуш йили»да ўз олдимизга қўйган режаларимизга босқичма-босқич эришишда «Асака» банк Хоразм вилоят филиалининг молиявий ёрдами қўл келаётир. Паррандачиликни ривожлантириш учун замонавий ускуналар келтириш ва янги иш ўринлари яратиш мақсадида банкдан имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит олдик. Шунинг ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириб, 8 кишини иш билан таъминладик. Уларнинг 3 нафари коллеж битирувчисидир. Бугун корхонамизда тайёрланаётган тухум ва товуқ гўшти вилоят аҳолиси дастурхонига пешма-пеш етказиб берилмоқда.

Юртбошимизнинг 2012 йил 22 ноябрдаги «2013-2015 йилларда Хоразм вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан «Асака» банк Хоразм вилоят филиали ҳам кенг кўламли ишлар олиб бормоқда. Жумладан, ип-калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Дариталь-текстиль» МЧЖга узоқ муддатли кредит ажратилди. Мазкур лойиҳа тўлиқ амалга оширилганидан кейин корхонада йилига 2000 тонна юқори сифатли ип-калава маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Боғот туманида жойлашган «Хоразм Текс» МЧЖда эса қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш ва янги тўқимачилик дастгоҳлари сотиб олиш учун банк томонидан кредитлар ажратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур инвестиция лойиҳаси тўлиқ амалга оширилса, йилига 6000 тонна ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхона вужудга келади.

Хулоса қилиб айтганда, мижозлар ишончини янада мустаҳкамлашга интилаётган «Асака» банк Хоразм вилоят филиали жамоаси ҳам тараққиёт ва фаровонлик учун хизмат қиладиган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашда давом этаверади.

## Фермерлик ҳаракати — ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий куч



Суратда: «Юксалиш саховати» фермер хўжалиги раҳбари Қудратилло Тўйчиев.

### МЕҲНАТГА ЯРАША ДАРОМАД

**Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги «Юксалиш саховати» фермер хўжалиги иқтисодий самарадорлиги муттасил ошиб бораётган субъектлардан.**
**Хўжаликда олинаётган даромад ҳам меҳнатга яраша бўлмоқда. Жорий йилда ҳам ғалладан мўл ҳосил олинди. Шу кунларда 50 гектар майдондаги пахтазорда терим давом этаётир. 150 бош қорамол парвариш қилинаётган хўжаликда кунига олти юз литргача сут етиштирилаётгани уни қайта ишлаш цехида беш турдаги маҳсулот тайёрлаш имконини бераётир.**

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

### БУ МАКТАБДА ЁШ БОҒБОНЛАР ЎҚИЙДИ

«ХУРШИД БОҒИ» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ҚОШИДА ЁШ БОҒБОНЛАР МАКТАБИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

**Тўрткўл туманидаги «Хуршид боғи» фермер хўжалиги «Кўҳна Тўрткўл» қишлоғида жойлашган. Мустақиллик шарофати билан туманда боғдорчилик ҳам изчил ривожланди. «Хуршид боғи» фермер хўжалиги ҳам айнан ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.**
**— Боғбонларимиз энг ширин олма, ўрик, нок, анжир етиштиришда довруғ таратганлар, — дейди O`zLiDeP туман кенгаши раиси Йўлдош Маткаримов. — Шу муносабат билан «Хуршид боғи» фермер хўжалиги қошида ёш боғбонлар мактабини ташкил этдик. Унда қишлоқнинг кекса соҳибкорлари ёш мулкдорларга ноёб касб сирларини ўргатмоқдалар. Мақсад воҳамизда кам етиштириладиган ёнғоқ, бодом, хандон писта, хурмо каби мевали дарахтлар ва буталардан иборат боғларни кўпайтиришдир.**

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ.

## «Пахта - 2013»

### ТЕРИМЧИЛАР ҲУЗУРИДА

**Андижон вилояти деҳқонлари жорий йилда 94 минг 300 гектар майдонда ғўза парваришлаб, мўл ҳосил етиштирди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби айни кунларда вилоят далаларида ҳам пахтани нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ишлари қизғин давом этмоқда. Бу жараёнда теримчиларга зарур шарт-шароит яратиш, тиббий ва савдо хизматлари кўрсатиш билан бирга, уларга яхши кайфият бахш этиш, бўш вақтини мазмунли ўтишини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жойларда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимлари ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.**
**— Пахтакорлар ҳузурида ташкил этилаётган бундай тадбирларда қизиқарли саҳна асарлари ва ранг-баранг концерт дастурлари намойиш этилмоқда, – дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Раҳимжон Аҳмедов. – Таниқли санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар билан кечаётган самимий суҳбатлар, мустақиллик, Ватан ҳақида янграётган шеър ва қўшиқлар барчага манзур бўлмоқда.**

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири

## БИР ҲОВУЧ ДУР

**Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай!**

Имом ал-Бухорий.

**Озгина билмоқ учун ҳам кўп ўқимоқ зарур.**

Монтески.

## Эълон

**ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!**

**«ARSH SAVDO-ELIT» МЧЖ**

**ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**Аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

1. Андижон вилояти, Избоскан тумани ҳокимининг 15.04.2013 йилдаги 242-К-сонли қарорига асосан Андижон вилояти, Избоскан туманида жойлашган Избоскан туман ҳокимлиги балансидаги 2006 йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ 3102» русумли, давлат белгиси 17 AV 226 бўлган автотранспорт воситаси **бошланғич баҳоси 3219452 (уч миллион икки юз ўн тўққиз минг тўрт юз эллик икки) сўм.**

2. Андижон вилояти, Андижон тумани ҳокимининг қарорига асосан Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйганёр шаҳарчасида жойлашган Андижон туман ҳокимлиги балансидаги 1999 йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ 3110» русумли, давлат белгиси 60211 NAA бўлган автотранспорт воситаси **бошланғич баҳоси 2082 000 (икки миллион саксон икки минг) сўм.**

Аукцион савдоси **2013** йил **4** ноябрь куни соат **11.00** да, ушбу кунда аукцион савдоси бўлиб ўтмади, деб эътироф этилган тақдирда, такрорий аукцион савдоси **2013** йил **18-25** ноябрь кунлари соат **11.00** да Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, **30**-уй, **107**-хонада бўлиб ўтади.
Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг **15** фоиз миқдорида гаров пулини ТИФ «Миллий банк» Андижон шаҳар бўлимининг **20208000904456131001** ҳисоб рақамига МФО: **00074**, ИНН: **205987298** тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) ва аукцион савдоси ўтказилишидан **1** (бир) соат олдин **10.00** га қадар Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, **30**-уй, **107**-хонада қабул қилинади.

**Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар жамият Низоми ва таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, белгиланган тартибда берилган ишончнома тақдим қилиши лозим.**

**Қўшимча маълумот учун манзил ва телефон:**
**«ARSH SAVDO-ELIT»МЧЖ**
**Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй, 107-хона.**
**Тел: (+99891) 606-88-81, (+99890) 269-88-81.**
Хизматлар лицензияланган
Гувоҳнома № 00126



# «НАВОИЙ ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ» ОАЖ ЖАМОАСИ

мустақил юртимиз келажаги — ёш авлод тарбияси йўлида фидойилик кўрсатаётган устоз ва мураббийларни касб байрамлари билан самимий муборакбод этади.

**Қадрли устозлар! Келажаги буюк мамлакат фарзандларини тарбиялашдек масъулиятли фаолиятингизда Сизларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, хонадонингизга файз-барака тилаймиз.**




Солиҳ ЗОИР олган сурат

# Озод юртнинг обод оиласи

**Пойтахтимизнинг Яккасарой тумани Авлоний маҳалласида яшовчи Абдукарим ака Абдушукуровнинг хонадони, бу оиладаги аҳиллик, тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ҳақида маҳалладошлари меҳр билан сўзлашади. Абдукарим ака Санкт-Петербург шаҳридаги Фуқаро авиацияси академиясини муваффақиятли битириб, Тошкент аэропортида учувчи сифатида иш бошлаган. Мана, 36 йилдирки, у йўловчилар узоғини яқин қилиб келмоқда. Ширинсўзлиги, касбига бўлган садоқати туфайли жамоадошлари орасида меҳр қозонди. Ўнлаб шогирдлар етиштирди, жумладан, ўғли Улуғбек ҳам ота изидан бориб, учувчилик касбини танлади. Абдукарим аканинг кўп йиллик меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб, унга «Меҳнат шуҳрати» ордени берилди. Турмуш ўртоғи Дилором опа эса Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг Педагогика-психология факультетини битирган. 249-болалар боғчасида тарбиячилик қилаётган Дилором опа 34 йилдан бери ёшларга таълим беради. Абдукарим ака икковлари бир ўғил, уч қизни эл корига ярайдиган фарзандлар этиб тарбиялашди. Ўригидан данаги ширин, дегандай, айни пайтда тўққиз нафар невара оила соҳиби ва соҳибасининг ҳаёт мазмунига айланган.**

## Бу ажиб дунё

- **Ҳар бир инсон умри давомида ўртача 100 минг километр масофани пиёда босиб ўтади.**
- **Киши ўпкаси юзасининг умумий сатҳи теннис корти майдонига тенг.**
- **Одам териси умри давомида қарийб минг маротаба янгиланади.**
- **Тўйиб овқатланган одамнинг эшитиш қобилияти пасаяди.**
- **Кўзлари мовий одамларнинг оғриқ сезиш қобилияти кучлироқ бўлади.**
- **Битта соч толаси орқали кишининг жинси, ёши ва ирқини аниқлаш мумкин.**

## Латифалар

Бемор:
— Қулоғим оғрияпти, десам кўзимга дори қўяяпсизми?
Шифокор:
— Ҳар бир касалликнинг олдини олган яхши. Агар мен ҳозир дори қўймасам, эртага қулоғингизнинг оғриғи унга ҳам ўтиб кетиши мумкин.

* * *

— Хотиним билан умуман ҳайвонот боғига бориб бўлмаяпти. Қафасдаги ҳайвонларни кўриши билан асабийлашиб, йиғлашга тушади.
— Ҳайвонларга шунчалик ачинадими?
— Йўғ-е, шунча мўйна бефойда ётганига афсусланади...

* * *

— Мен устингиздан шикоят қиламан! Куяга қарши берган дорингиз ҳеч нарсага ярамас экан. Куя уни ҳузур қилиб емоқда.
— Унда ҳаммаси жойида. Модомики, куя дорини ейиш билан банд экан, кийим-кечак билан мутлақо иши бўлмайди.

Реклама







## Болалар спорти



# Ёш футболчилар мусобақаси

**ТОШКЕНТДА МАҲАЛЛАЛАР БОЛАЛАР ФУТБОЛ ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДА «ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ» АНЪАНАВИЙ ТУРНИРИНИНГ РЕСПУБЛИКА ФИНАЛ БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ**

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
ЎзА мухбири

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Футбол федерацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган мусобақада мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ўн икки маҳалла футбол жамоаси ғолиблик учун баҳслашди.

«Футболимиз келажаги» анъанавий республика турнири маҳалла ёшларининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, улар ўртасида футболни янада оммалаштириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилади. Бу галги турнирнинг финал босқичи уч ёш тоифасида — 9-10, 11-12 ва 13-14 ёшли ўғил болалардан иборат жамоалар ўртасида бўлиб ўтди. Мусобақанинг қуйи босқичларида бир миллиондан ортиқ бола иштирок этди.

Турнирнинг «Жар» стадионида ўтган финал учрашувлари олдидан Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси А.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мусобақанинг 9-10 ёшли футболчилари ўртасида Фарғона вилояти Риштон туманидаги Чинигарон маҳалласи жамоаси биринчи ўринни эгаллаган бўлса, 11-12 ёшлилар ўртасида Тошкент шаҳри Яккасарой туманидаги Қушбеги маҳалласи ёш спортчилари бош совринни қўлга киритди. 13-14 ёшли футболчилар ўртасида Фарғона вилояти Бағдод туманидаги Ирғоли маҳалласи жамоаси ғолиб чиқди.

«Футболимиз келажаги» анъанавий турнирининг ғолиб ва совриндорларига ташкилотчиларнинг кубок, медаль, диплом ва эсдалик совғалари топширилди.




Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, **3-10** октябрь кунлари Ўзбекистонда об-ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ҳафтанинг дам олиш кунлари баъзи жойларда ёмғир ёғиши кутилмоқда. Шамол ғарбдан **7-12** м/с тезликда эсади, **7** октябрда унинг тезлиги **15-20** м/сгача кучаяди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кечаси **12-17**, кундузи **27-32** даража иссиқ бўлади. **6-7** октябрь кунлари эса ҳаво ҳарорати пасайиб, кечаси **8-13**, кундузи **15-20** даража илиқни ташкил этади. Навоий ва Бухоро вилоятларида ҳарорат кечаси **15-20**, кундузи **30-35** даража иссиқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолида ҳаво ҳароратининг бироз пасайиши кузатилади. Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳарорат кечаси **15-20**, кундузи **30-35** даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси **17-22**, кундузи **32-37** даража иссиқ бўлади. Республикамизнинг Шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида шамол шарқдан **5-10** м/с тезликда эсади. Термометр миллари кечаси **14-19** даража илиқ, кундузи **28-33** даража иссиқ бўлишини кўрсатади. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда ҳарорат кечаси **15-20**, кундузи **30-35** даража иссиқ бўлади. Тоғли ҳудудларда ҳарорат кечаси **11-16** даража илиқ, кундузи **22-27** даража иссиқ бўлиши кутилмоқда.

Реклама







XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
O'zLiDeP
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИРИЯТ: Темур АБДУРАҲМОНОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Шаҳзод НАЗАРОВ, Озод РАЖАБОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Носир ТОШЕВ, Шуҳрат ХЎЖАЕВ, Маркс ЮСУПОВ, Ориф ЎЛМАСОВ, Янгибой ҚЎЧҚОРОВ.

БЎЛИМЛАР: Котибият – 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими – 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими – 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими – 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими – 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими – 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 8192 Тираж: 16348
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 20:00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
О.РАЖАБОВ, Ш.РАҲИМОВ.